

**ТОШКЕНТДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.28.12.2017.I.16.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЗИКРИЯЕВ ЗОКИР МАМИРОВИЧ**

**МЕХНАТ БОЗОРИДА ИШСИЗ ЁШЛАР РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ**  
**ОШИРИШ**

**08.00.10 - Демография. Меҳнат иқтисодиёти**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**

**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации  
доктора философии (PhD) по экономическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on  
Economics Sciences**

**Зикрияев Зокир Мамирович**

**Меҳнат бозорида ишсиз ёшлар рақобатбардошлигини ошириш..... 3**

**Зикрияев Зокир Мамирович**

**Повышение конкурентоспособности безработной молодежи на рынке труда..... 28**

**Зикрияев Зокир Мамирович**

**Increasing the competitiveness of unemployed youth in the labor market..... 52**

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

**List of published works..... 56**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.28.12.2017.I.16.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЗИКРИЯЕВ ЗОКИР МАМИРОВИЧ**

**МЕХНАТ БОЗОРИДА ИШСИЗ ЁШЛАР РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ**  
**ОШИРИШ**

**08.00.10 - Демография. Меҳнат иқтисодиёти**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**

**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Iqt393 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация иши Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.tdiu.uz](http://www.tdiu.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Хомитов Комилжон Зоитович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

**Расмий оппонентлар:**

**Арабов Нурали Уролович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

**Алижонов Ўткиржон Махамадалиевич**  
иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон миллий университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.28.12.2017.1.16.02 рақамли илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100003, Ислом Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-85; факс: (99871) 239-28-85; e-mail: [tdiu@tdiu.uz](mailto:tdiu@tdiu.uz)

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Ислом Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; e-mail: [tdiu@tdiu.uz](mailto:tdiu@tdiu.uz)

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ - рақамли реестр баённомаси.)

**Қ.Х. Абдурахмонов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., академик

**Н.Т. Шоюсупова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, и.ф.н., доцент

**Ш.Р. Холмўминов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда ёшларни, айниқса ишсиз ёшларнинг рақобатбардошлигини ошириш муҳим муаммоларидан бири ҳисобланади. Халқаро меҳнат ташкилотининг “Ёшлар ўртасида ишсизлик – 2017” маърузасида таъкидланишича, “ҳозирги вақтда дунёда 15-24 ёшдаги йигит-қизлар ўртасида ишсизлик даражаси 12,0 %ни ташкил қилади. 2017 йилда курраи заминимиздаги 70 млн.дан кўпроқ йигит-қиз иш топа олмаган. Бу кўрсаткич 2016 йилга нисбатан камайган бўлса ҳам, бугунги кунда жаҳон бўйича жами ишсизларнинг 35,0 %ини ёшлар ташкил этади. Бу эса дунё бўйича ишсизликнинг ўртача даражасидан деярли уч баравар кўплигини англатади”<sup>1</sup>. Шу жиҳатдан ҳам давлатлар томонидан ёшлар ишсизлигини камайтириш ва рақобатбардошлигини ошириш борасида тегишли чора-тадбирлар кенг миқёсда амалга оширилмоқда.

Жаҳонда ишсиз ёшлар рақобатбардошлигини ошириш борасида олиб борилаётган илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада меҳнат бозорида ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, ишсиз ёшлар рақобатбардошлигини оширишда молия-кредит тизимидан унумли фойдаланиш, меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касблар бўйича кадрлар тайёрлаш, ишсиз ёшларни ишга жойлаштиришда давлат ва нодавлат иш билан бандлик хизматини ривожлантириш каби илмий йўналишлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда ёшлар меҳнат бозорини тартибга солиш, ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлаш, олий ва ўрта махсус таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш, касб-хунарга ўқитиш бўйича қисқа муддатли ўқув курслари сони ва сифатини ошириш, ёшлар тадбиркорлик кластерлари фаолиятини ташкил этиш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “... ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш ҳамда хусусий тадбиркорлик соҳасига жалб этиш, ёш авлоднинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини қўллаб-қувватлаш ва рўёбга чиқариш, ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, таълим муассасалари, ёшлар ва бошқа ташкилотларнинг самарали фаолиятини ташкил этиш”<sup>2</sup> вазифалари белгилаб берилган. Бу вазифаларни ҳал этишда ишсиз ёшлар рақобатбардошлигини ошириш ҳамда ёшлар меҳнат

<sup>1</sup> Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти: назария ва амалиёт. Дарслик. Қайта ишланган ва тўлдирилган 3-нашри. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «FAN» нашриёт давлат корхонаси, 2019. – 279-б.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сонли фармонининг 1-илоvasи «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» //www.lex.uz.

бозорини тартибга солишни такомиллаштириш сингари йўналишларда илмий-тадқиқотларни чуқурлаштириш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини кўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги ПФ-5106-сонли фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 16 октябрдаги “Ёшлар тадбиркорлик кластерларини ташкил этишга доир ташкилий чоратадбирлар тўғрисида”ги 834-сонли, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 август “Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи ҳузуридаги “Ёшлар – келажагимиз” жамғармаси фаолиятини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида” 669-сонли қарорлари ҳамда соҳага тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Меҳнат бозорида ишсизлар масалалари кўплаб хорижлик олимлар<sup>3</sup>, жумладан, Дж.М.Кейнс, А.Смит, Д.Риккардо, У.Петти, А.Маршалл, М.Фридмен, В.А.Жамин, С.Л.Костанян, С.Г.Струмилин ва бошқалар томонидан тадқиқ қилинган.

МДХнинг қатор олимлари, жумладан С.Г.Землянухина, Е.В. Янченко, Л.В.Санкова, И.Е.Крысина, Г.Г.Меликьян, Р.П.Колосова, С.Резник, Н.В.Федорова, О.Ю. Минченкова, И.В. Вирина, Н.А.Крымова ва А.Г.Шатокин<sup>4</sup> ёшлар меҳнат меҳнат бозорининг ривожланиш механизми муаммолари бўйича илмий тадқиқотлар олиб борганлар.

<sup>3</sup> Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег / Пер. сангл. проф. Н.Н.Любимова, под. ред. д.э.н., проф. Л.П.Куракова. – М.: МИЭМП, 2010; Маршалл А. Принципы экономической науки / А.Маршалл: В 3 т. – М.: Прогресс-Т.3. 1984. -119 с.; Regional labor markets. Analytical contributions and cross-national comparisons. Ed. by. M.Fischer and P.Nijkamp. - Elsevier Science Publishing Co, 1987. - 500 p.; Эренберг Р.Д., Смит Р.С. Современная экономика труда. Теория и государственная политика / Пер. с англ. – М., 1996, 34-б.; Слезингер Г.Э. Труд в условиях рыночной экономики: Учеб. пособие. – М.: ИНФРА-М, 1996. - 336 с.; Пигу А. Экономическая теория благосостояния / Пигу А.: В 2 т. – М.: Прогресс - Т.2 - 1985. – 240 с.;

<sup>4</sup> Землянухина С.Г., Янченко Е.В., Санкова Л.В., Крысина И.Е. и др. Конкурентоспособность трудовых ресурсов в условиях инновационное российской экономики: Монография. - Саратов: Изд-во СГТУ, 2010., Меликьян Г.Г., Колосова Р.П. Экономика труда и социально-трудовые отношения. – Москва, 2014. – 300 с., 3.10. Резник С. Основы личной конкурентоспособности. – М.: Инфра-М, 2010., Экономика труда: учебник / Н.В. Федорова, О.Ю. Минченкова. – М.: КНОРУС, 2016. - 232 с, Вирина И.В. Формирование и развитие конкурентоспособности молодых специалистов на рынке труда / Автореферат дисс. на соиск. уч. степ. канд. экон. наук. – Москва, 2007, Крымова Н.А. Управление профориентацией населения. Дисс. на соиск. учен. степ. канд. экон. наук. – Воронеж, 2014, Шатокин А.Г. Конкурентоспособность работников на рынке труда / Автореф. дисс. на соиск. уч. степ. канд. экон. наук. – Ярославль, 2000.

Ўзбекистонда меҳнат бозорининг самарали ривожланиши ва ишсизликни камайтириш Қ.Х.Абдурахмонов (меҳнат бозорида рақобатбардош бўлмаган ёшларни иш билан таъминлаш)<sup>5</sup>, Ш.Р.Холмўминов ва К.З.Хомитов (қишлоқ меҳнат бозорининг шаклланиши ва ривожланиши)<sup>6</sup>, З.Я.Худойбердиев (тадбиркорлик ва ишга жойлаштириш технологияси)<sup>7</sup>, М.М.Холмухамедов (меҳнат бозорида ёшларнинг иш билан бандлигини тартибга солиш)<sup>8</sup>, Д.А.Насимов (олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш)<sup>9</sup> ва бошқа олимлар томонидан тадқиқ қилинган.

Ушбу иқтисодчи олимларнинг илмий асарларида меҳнат бозорида ишсиз ёшлар рақобатбардошлигини оширишнинг илмий ва амалий жиҳатлари қисман ўз аксини топган. Бу эса ушбу муаммони назарий, услубий ва амалий жиҳатдан ўрганиш ҳамда унинг ривожланиш хусусиятларини тадқиқ этишни тақозо этади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.** Тадқиқот Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ Ф-1-103-сонли “Ўзбекистон иқтисодиётини модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитларида инсон салоҳиятини ривожлантириш” лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** меҳнат бозорида ишсиз ёшлар рақобатбардошлигини оширишнинг назарий-амалий асосларини яратиш асосида аҳолининг мазкур қатламини иш билан таъминлаш бўйича илмий асосланган хулоса ва таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

ишсиз ёшлар рақобатбардошлигини оширишнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини ёритиш;

ишсиз ёшларнинг рақобатбардошлигини таъминлашнинг самарали ижтимоий-иқтисодий механизмлари ва уларнинг таркибини аниқлаш;

меҳнат бозорида ишсиз ёшларнинг рақобатбардошлигини баҳолаш мезон ва кўрсаткичларини таклиф этиш;

хорижий мамлакатларнинг ишсиз ёшлар рақобатбардошлигини ошириш борасидаги тажрибаларини ўрганиш ва уларни республикамизда қўлланиш имкониятларини ишлаб чиқиш;

---

<sup>5</sup> Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти: назария ва амалиёт. Дарслик. Қайта ишланган ва тўлдирилган 3-нашри. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «FAN» нашриёт давлат корхонаси, 2019. – 592 б.

<sup>6</sup> Холмўминов Ш.Р. Қишлоқ меҳнат бозорининг шаклланиши ва ривожланиши ҳамда уларни моделлаштириш (Монография). – Т.: Fan va texnologiya, 2014.; Хомитов К.З. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ меҳнат бозорининг самарали ривожланиши муаммолари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т.: ЎзР ФА Иқтисодиёт институти, 2012.

<sup>7</sup> Худойбердиев З.Я.. Тадбиркорлик ва ишга жойлаштириш технологияси. Ўқув қўлланма. – Т.: ILMZIYO, 2016.

<sup>8</sup> Холмухамедов М.М. Меҳнат бозорида ёшларнинг иш билан бандлигини тартибга солиш ва уни такомиллаштириш (Самарқанд вилояти мисолида). Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Самарқанд, 2011.

<sup>9</sup> Насимов Д.А. Олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш тизимини такомиллаштириш (Самарқанд вилояти мисолида). Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Самарқанд, 2011.

вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва уни меҳнат бозорида ёшлар рақобатбардошлигига таъсирини аниқлаш;

ишсиз ёшлар рақобатбардошлигининг асосий ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларини таҳлил қилиш;

ишсиз ёшларнинг рақобатбардошлигини тартибга солиш тизимининг самарадорлигини баҳолаш

ишсиз ёшлар рақобатбардошлигини оширишнинг институционал асосларини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини аниқлаш;

ишсиз ёшлар рақобатбардошлигини оширишда иқтисодий механизмдан самарали фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

ишсиз ёшлар рақобатбардошлигини оширишни замонавий касбга ўқитиш тизимини жорий этиш ва ривожлантириш йўналишини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** Сирдарё вилояти меҳнат бозорида ишсиз ёшлар рақобатбардошлиги ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** меҳнат бозорида ишсиз ёшлар рақобатбардошлигини оширишда юзага келувчи ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот тизимли таҳлил, тарихийлик ва мантиқийлик, индукция ва дедукция, анализ ва синтез, қиёсий таҳлил, монографик таҳлил ва гуруҳлаш, социологик баҳолаш усуллари қўлланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ишсиз ёшларнинг иш билан бандлигига кўмаклашишда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, ёшлар иттифоқи ва хотин-қизлар кўмитасининг меҳнат органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш орқали ишсиз ёшлар ишга жойлашишида кўмаклашувчи махсус агентларга рағбатлантирувчи тусдаги тўловни амалга ошириш механизми такомиллаштирилган;

ишсиз ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш, касбий ва тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш ҳамда касбга қайта ўқитишга сарфланувчи харажатларни молиялаштириш мақсадида иш берувчиларга бир марталик субсидиялар бериш ва касб-ҳунар таълими муассасаларига грантлар ажратиш таклиф этилган;

ишсиз ёшлар рақобатбардошлигини меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касблар ва мутахассисликларга профессионал ўқитиш юзасидан нодавлат таълим муассасалари билан ҳамкорликда қисқа муддатли курслар сонини “Yoshlar-kelajagimiz” жамғармаси маблағлари орқали кўпайтириш ва уларни молиялаштириш таклиф этилган;

“WorldSkills” методология ва талабларига мувофиқ давлат-хусусий шериклик шартлари асосида касбга тайёрлаш таълим дастурларини ишлаб чиқиш ва касбий малакани баҳолаш тизимини жорий этиш асосида ишсиз ёшлар рақобатбардошлигини ошириш асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:



“ишсиз ёшлар” ва “ишсиз ёшлар рақобатбардошлиги” тушунчаларининг муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган;

ишсиз ёшлар рақобатбардошлигини шакллантириш жараёнини тартибга солишнинг институционал, иқтисодий, ташкилий, ахборот, маъмурий воситалари таклиф этилган;

ишсиз ёшлар рақобатбардошлигини шакллантириш жараёнини тартибга солиш субъектлари функцияларини кенгайтириш ва мувофиқлаштириш марказини ташкил этиш асосланган;

ишсиз ёшлар рақобатбардошлигини шакллантириш жараёнини тартибга солишга нисбатан комплекс ёндашувни жорий этиш орқали транзакция харажатларининг камайиши асослаб берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган ёндашув, усул ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистика усуллари воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар ишсиз ёшларни касбга ўқитиш, қайта ўқитиш ва уларнинг малакасини ошириш, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлаш ва ёшларни касбга йўналтиришга оид илмий аппаратни такомиллаштириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишсиз ёшларни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касблар ва мутахассисликларга профессионал ўқитиш юзасидан қисқа муддатли курслар сонини кўпайтириш ва сифатини ошириш бўйича ҳудудий дастурлар ишлаб чиқиш, ёшлар тадбиркорлик кластерлари фаолиятини ташкил этиш, соҳага оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни тайёрлаш, соҳани самарали ривожлантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш, шунингдек “Меҳнат иқтисодиёти”, “Меҳнат бозори иқтисодиёти”, “Кадрлар менежменти”, “Меҳнат ресурсларини бошқариш” фанлари бўйича ўқув адабиётларини тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ишсиз ёшлар рақобатбардошлигини ошириш юзасидан ишлаб чиқилган услубий ва амалий таклифлар асосида:

ишсиз ёшларнинг иш билан бандлигига кўмаклашишда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, ёшлар иттифоқи ва хотин-қизлар кўмитасининг меҳнат органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш орқали ишсиз ёшлар ишга жойлашишида кўмаклашувчи махсус агентларга рағбатлантирувчи тусдаги тўловни амалга ошириш механизми Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги

“Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг аҳоли, биринчи навбатда, ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлашга доир фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 964-сонли қарорига 1-илова билан тасдиқланган Низомнинг 1-илласи “Аҳоли, биринчи навбатда, ёшлар ва хотин қизлар бандлигига кўмаклашиш масалаларида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси маҳаллий бўлинмалари ва меҳнат органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш” лойиҳасини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2019 йил 5 июлдаги 01/00-02/00-4964-сонли маълумотнома). Мазкур таклифнинг амалиётга татбиқ этилиши фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш тегишли ҳудудий органларида ишга жойлаштиришга муҳтож бўлган шахслар, шунингдек, салоҳиятли иш берувчилар, биринчи навбатда, кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари жумласидан бўлган иш берувчиларни ҳисобга олиш бўйича маълумотларнинг ягона ахборот базасини ташкил қилиш ҳамда бўш иш ўринлари базасига тадбиркорлардаги бўш иш ўринлари мавжудлиги тўғрисидаги ишончли маълумотларни киритиш имконини берди.

ишсиз ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш, касбий ва тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш ва касбга қайта ўқитишга сарфланувчи харажатларни молиялаштириш мақсадида иш берувчиларга бир марталик субсидиялар бериш ва касб-ҳунар таълими муассасаларига грантлар ажратиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан вазирликнинг 2019 йил 10 майдаги 19-2019-Б сонли “Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ва грантлар ажратиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида”ги буйруқ лойиҳасини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2019 йил 5 июлдаги 01/00-02/00-4964-сонли маълумотнома). Мазкур таклифнинг амалиётга татбиқ этилиши ишсиз ёшларни касб-ҳунарга йўналтириш, касбий ва тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш ва касбга қайта ўқитишга сарфланадиган харажатларни молиялаштириш учун Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан иш берувчиларга бир марталик субсидия ва таълим муассасаларига грантлар ажратиш йўлга қўйилган;

ишсиз ёшлар рақобатбардошлигини меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касблар ва мутахассисликларга профессионал ўқитиш юзасидан нодавлат таълим муассасалари билан ҳамкорликда қисқа муддатли курслар сонини “Yoshlar-kelajagimiz” жамғармаси маблағлари орқали кўпайтириш ва уларни молиялаштириш таклифи Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 августдаги “Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳузуридаги “Yoshlar — kelajagimiz” жамғармаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари

тўғрисида”ги 669-сонли қарорига илова сифатида тасдиқланган “Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳузуридаги “Ёшлар – келажагимиз” жамғармаси маблағларидан имтиёзли кредитлар ажратиш ва лизинг хизматларини кўрсатиш ҳамда тижорат банклари кредитлари бўйича кафилликлар бериш тартиби тўғрисида”ги низомга 3-илова билан тасдиқланган “Ишсиз ва банд бўлмаган ёшларни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касблар ва мутахассисликларга профессионал ўқитиш юзасидан қисқа муддатли курслар сонини кўпайтириш ва сифатини ошириш бўйича чора-тадбирлар комплекси”нинг 2-бандини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2019 йил 5 июлдаги 01/00-02/00-4964-сонли маълумотнома).

Ушбу таклифнинг амалиётда қўлланилиши меҳнат бозорида талаб юқори бўлган, замонавий техника ва технологиялар, ўқув дастурлари асосида ўқитиш имкониятига ҳамда бошқа зарур шарт-шароитларга эга нодавлат таълим муассасалари билан ўзаро натижага йўналтирилган ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, бандликка кўмаклашиш марказлари томонидан мазкур таълим муассасаларида мавжуд таълим йўналишлари, муддатлари ва ихтисосликлар тўғрисидаги маълумотларни ишсиз ёшларнинг кенг оммасига етказиш бўйича чоралар кўриш, бандликка кўмаклашиш марказлари йўлланмаси асосида юборилган ишсиз ёшларни касб-хунарга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш учун кетган харажатларни Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан молиялаштиришни кенгайтириш имконини берди.

“WorldSkills” методология ва талабларига мувофиқ давлат-хусусий шериклик шартлари асосида касбга тайёрлаш таълим дастурларини ишлаб чиқиш ва касбий малакани баҳолаш тизимини жорий этиш асосида ишсиз ёшлар рақобатбардошлигини ошириш таклифи Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги “Меҳнат бозорида талаб юқори бўлган малакали кадрларни касбга тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 394-сонли қарорига 2-илова сифатида тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида 2019-2021 йилларда ишчи касбларни янада ривожлантириш ва оммалаштириш бўйича тадбирлар режаси”нинг 4-бандини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2019 йил 5 июлдаги 01/00-02/00-4964-сонли маълумотнома). Ушбу таклифнинг амалиётда қўлланилиши меҳнат бозорининг юқори малакали кадрларга эҳтиёжларини қондириш, касбга ўқитишни ишлаб чиқариш амалиёти билан интеграциялаштириш, касбий билим ва кўникмаларни баҳолашнинг халқаро тизимини жорий этиш имконини берди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 13 та, жумладан 2 та халқаро ва 11 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 1 таси хорижий ва 5 таси республика журналларида чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Тадқиқот кириш, 3 та боб, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ишининг ҳажми 164 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти изоҳлаб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр қилинган ишлар ва тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Меҳнат бозорида ишсиз ёшларнинг рақобатбардошлигини оширишнинг назарий асослари”**, деб номланган **биринчи бобида**, ишсиз ёшлар рақобатбардошлигини оширишнинг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва таркиби ёритилган, меҳнат бозорида ишсиз ёшларнинг рақобатбардошлигини баҳолаш мезон ва кўрсаткичлари таклиф этилган, хорижий мамлакатларда ишсиз ёшлар рақобатбардошлигини ошириш борасидаги тажрибалар ўрганилган ва ундан Ўзбекистонда фойдаланиш имкониятлари ишлаб чиқилган.


Тадқиқотда “ишсиз ёшлар” тушунчасига муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган. Унга кўра, **ишсиз ёшлар – қонун ҳужжатларига мувофиқ расман ишсиз сифатида рўйхатдан ўтказилган, шунингдек, ҳақ тўланувчи ишга ёки даромад келтирувчи машғулотга эга бўлмаган, мустақил равишда иш изловчи ва бундай иш таклиф этилса, ишга жойлашишга тайёр бўлган ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган вақтинча меҳнат билан банд бўлмаган шахслар.**

Меҳнат бозорида ишсиз ёшлар рақобатбардошлигини ошириш механизми, фикримизча, органлар, восита ва усуллар мажмуи, бошқарувчи ва бошқарилувчи ижтимоий ташкилотлар тизимости билан ўзаро таъсирга эга. Бу ерда иш билан бандликнинг кенг тармоқли хизмати, иш ўринлари ҳақидаги маълумотлар банки, ишсизлар рақобатбардошлигини оширишга қаратилган мақсадли дастурлар ва ҳ.к. ларни ўз ичига олувчи касбий таълим органлари, бандликка кўмаклашиш марказлари орқали унинг функционаллигини аниқлаштирувчи барча иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий ва психологик омиллар мажмуини қамраб олади.

Ишсиз ёшларнинг рақобатбардошлигини оширишда ижтимоий ва иқтисодий механизмлар асосий восита ҳисобланади (1-расм).

Меҳнат бозорида ишсиз ёшлар рақобатбардошлигининг асосий мезон ва кўрсаткичлари ҳали шаклланиш жараёнидадир. Мазкур бозорнинг шу жиҳатларини эътиборга олган ҳолда рақобатардош ишчи кучи таклифини оширишнинг барча демографик, ижтимоий, иқтисодий жиҳатлари қуйидаги мезонларда ўз аксини топади:

**Ишсиз ёшлар рақобатбардошлигини таъминлашнинг самарали ижтимоий-иқтисодий механизмлари**



**1-расм. Ишсиз ёшларнинг рақобатбардошлигини таъминлашнинг самарали ижтимоий-иқтисодий механизмлари<sup>10</sup>**

<sup>10</sup> Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

– ёшлар меҳнат бозорида ишчи кучига талаб ва таклиф ўртасида бозор мувозанатига эришиш;

– ёшлар учун иш жойларини кўпайтириш;

– ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш;

– иқтисодийдаги таркибий ўзгаришларга мос малакали кадрлар тайёрлаш;

– малакали ёшлар меҳнат бозорини шакллантириш ва ҳоказо.

Мазкур мезонлар қуйидаги **кўрсаткичлар** ёрдамида аниқланади:

– ёшлар учун мавжуд ва янги яратилган иш жойлари сони, мулкчиликнинг турли хил шакллари, аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган ЯИМ ҳажми;

– ишчи кучи экспортдан келган тушум миқдори, ёшларнинг миграцион оқими, экспорт қилинган ёшлар салмоғи;

– ишсиз ёшларнинг малака ва маълумот даражаси, меҳнат бозоридаги рақобатбардошлик, меҳнат бозори институцион тузилмалари самарадорлиги, самарали ва эгилувчан меҳнат бозорини шакллантириш ва ривожлантириш;

– ижтимоий инфратузилма хизматлари миқдори;

– малакали кадрлардан фойдаланиш самарадорлиги;

– малакали кадрларни тайёрлашда моддий-техник таъминот, олий ва ўрта тоифадаги мутахассислар салмоғи;

– ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлмаган шахслар ва ишсизлик сони ҳамда уларнинг нафақа миқдори, янги ишга жойлаштириш, хизмат бўйича бошқа ишга ўтиш муносабати билан қайта тайёргарлик, янги иш жойига кўчириб келтириш;

– бандликка кўмаклашиш марказларида ҳисобда бўлган бўш иш ўринлари ва лавозимларининг тўлиқ рўйхати, меҳнат бўлимида ҳужжатларни расмийлаштириш бўйича маълумотлар, ишсизнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисидаги тўлиқ ахборот, иш берувчилар тўғрисидаги ахборот, янги касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш имкониятлари тўғрисидаги ахборот, мулкчиликнинг таъкидлаб ўтилган, меҳнат бозорида ишчи кучига талаб ва таклифнинг нисбатини аниқловчи омиллар ва шарт-шароитлар аҳоли иш билан бандлиги сиёсатининг ижтимоий-иқтисодий йўналишлари ва тамойиллари билан рақобатга киришиши мумкин. Бу ҳолда меҳнат бозорида салбий тенденцияларга қарши ҳаракат қилувчи тадбирларни ўз вақтида ишлаб чиқиш ва ўтказиш алоҳида ўринга эга.

Тадқиқотда хорижий мамлакатларнинг ишсиз ёшлар рақобатбардошлигини ошириш борасидаги тажрибалари ўрганилган ҳамда уларнинг таҳлили Ўзбекистонда ҳам фойдаланиш бўйича қатор хулоса ва таклифлар чиқариш имконини берган. Хусусан:

**Биринчидан**, саноати ривожланган мамлакатларда меҳнат бозоридаги жараёнларни тартибга солувчи марказий бўғин давлат иш билан бандлик хизмати ҳисобланади. Ўзбекистон учун хорижий иш билан бандлик хизмати

функцияларидан бандликка кўмаклашиш туман (шаҳар) марказлари халқаро стажерлар алмашилиш функциясидан фойдаланиши мумкин. Бу хорижий корхона ва ташкилотлар билан алоқаларни йўлга қўйиш, ўзбекистонлик ёшларга эса стажировкадан ўтиш ва кейинчалик Ўзбекистонда жойлашган йирик хорижий компанияларда ишлаш учун имконият беради.

**Иккинчидан,** Францияда иш билан бандлик агентликлари ишсизлар учун махсус тўғараклар ташкил қилиб, бу ерда “Ишни қандай излаш керак?” мавзусида машғулотлар ўтказилган ва кўрсаткичларнинг 40 фоизга тенг бўлганлигини ҳисобга олсак, анча самарали натижа берган. Ўзбекистонда ҳам олий таълим муассасаларида битирувчи курслар талабалари учун бундай тўғараклар ташкил қилиш мақсадга мувофиқ. Бундай машғулотларда ўқитувчилар ёки таклиф қилинган мутахассислар резюмени қандай тайёрлаш, тахмин қилинган иш берувчилар билан мулоқот қилишни тушунтириб беришлари мумкин. Таълим муассасалари ўқитувчилари улар билан битирувчилар тақсимоти ҳақида битимлар бўлган ташкилотлар ҳақида, ташкилотларнинг мутахассислар билан таъминланганлик даражаси ва қайси мутахассисларга эҳтиёж мавжудлиги ҳақида ахборот тақдим этиши мумкин. Машғулотлар таълим муассасалари биноларида ўтказилиши мумкин. Лекин меҳнат бозорида олий маълумотга эга ишсиз ёш мутахассислар сони кўп бўлмаслиги учун мактабларда “касбни қандай қилиб тўғри танлаш” мазмунида касбий йўналтиришга катта эътибор қаратиш зарур.

**Учинчидан,** Францияда амал қилувчи, энг юқори самарадорлик даражасига эришилган ёшлар иш билан бандлик дастурлари икки гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳда қуйидаги меҳнат шартномалари турлари ажратиб кўрсатилади: ишчига мослашиш ҳақида шартнома, малака ҳақида шартнома, ишлаб чиқаришда шогирдлик ҳақида шартнома, “бандлик – бирдамлик” шартномаси. Мазкур шартномалар малакага эга ёки ҳали малакаси бўлмаган ёшларга йўналтирилади. Ўзбекистонда малака ҳақида шартномадан фойдаланиш ва уни меҳнат стажи (тажриба) ҳақида шартнома деб аташ мумкин. Бундай шартнома доирасида ёш мутахассисда реал иш ва иш ҳақида эга бўлиш имконияти пайдо бўлади.

Иккинчи гуруҳда касбий ўқитиш (2 ойдан 8 ойгача), касбий ҳаёт билан таништириш стажировкаси (3-6 ой), малака бериш чора-тадбирларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон олий таълим муассасаларида талабалар учун 2-курсдан бошлаб, амалиётдан (стажировкадан) ўтиш имконияти тақдим этилмоқда, лекин бундай стажировкадан кейин амалиётнинг иш тажрибаси ҳисобланиши ҳақида юридик расмийлаштирилган гувоҳнома мавжуд эмас, агар бу ҳужжат жорий этилса – ёш мутахассисда истиқболли ишга жойлашиш имконияти ортади, чунки у иш тажрибасига эга саналади.

**Тўртинчидан,** Францияда давлат 1 йилгача бўлган муддатга ёшларни ишсизлик ва касалликдан суғурта қилиш бўйича харажатларни ўз зиммасига олгани ҳолда ихтисослик ёки малакага эга бўлмаган ёшларни ишга қабул



килувчи компанияларни рағбатлантиради, бу эса ишчи кучига харажатларни 20-25 фоизга пасайтиради. Испанияда тадбиркорлар ёшларни ишга олгани ёки ўқитгани учун ижтимоий суғуртага умрбод камайтирилган бадал тўлайдилар. Бизда эса иш тажрибасига эга бўлмаган ёш номзодларни ишга қабул қилишга тайёр корхоналар сони ортиб бормокда. Афтидан, бу давлат томонидан ҳеч қандай рағбатларсиз амалга ошмоқда. Ўзбекистон фаолият юритаётган корхоналарнинг 61 фоизида таъкидланишича, уларда иш тажрибасига эга бўлмаган ёш мутахассислар фақат улар ўз салоҳияти, чин дилдан меҳнат қилиш истаги ва мос келувчи иш ҳақи кутишини намоёиш этган ҳолдагина ишга қабул қилинади.

Диссертациянинг иккинчи боби – “Сирдарё вилояти меҳнат бозорида ишсиз ёшлар рақобатбардошлиги кўрсаткичлари таҳлили” деб номланиб, унда вилоят меҳнат бозорида ёшлар ишсизлиги ҳолати ва ишсиз ёшлар рақобатбардошлигининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари таҳлил қилинган, ишсиз ёшлар рақобатбардошлигини бошқариш тизимининг самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари тақлиф этилган.

Сирдарё вилоятида ишсиз ёшлар рақобатбардошлигини ошириш ёш меҳнат ресурслари шаклланивчи иқтисодий муҳитнинг ўзига хослигига боғлиқ. Вилоятда ишсиз ёшларнинг рақобатбардошлигини ошириш соҳасидаги вазият ҳақида умумий тушунчага эга бўлиш учун қуйида келтирилган 2010-2018 йиллар учун кўрсаткичлар динамикасини кўриб чиқиш тақлиф этилади (1-жадвал).

#### 1-жадвал

### Сирдарё вилоятида меҳнат ресурслари ва унинг таркибида ёшлар сони ўзгариши, минг киши<sup>11</sup>

Кўрсаткичлар	Йиллар								2018 йилда 2011 йилга нисбатан, %
	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	
Меҳнат ресурслари сони	430,0	440,8	450,3	457,6	464,1	470,2	475,1	480,5	111,7
Шу жумладан: ёшлар сони	275	276	277	278	279	280	284	290	105,5
Иқтисодий фаол аҳоли сони	342,1	348,7	357,5	366,6	369,1	368,5	371,9	378,7	110,7
Шу жумладан: ёшлар сони	209	212	215	218	219	220	222	230	110,0
Иш билан банд аҳоли сони	327,5	334,8	342,3	349,6	350,9	352,4	353,1	342,2	104,5
Шу жумладан: ёшлар сони	206	207	207	208	208	208	209	246	119,4
Ишсизлар сони	19,8	19,8	19,7	19,7	19,7	19,6	19,6	36,4	183,8
Шу жумладан: ёшлар сони	10,9	10,9	10,8	10,8	10,8	10,8	10,8	21,2	194,5

<sup>11</sup> Жадвал Сирдарё вилояти статистика бошқармаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

1-жадвалга кўра, 2011-2018 йиллар давомида вилоятда меҳнат ресурслари сони – 11,7, меҳнат ресурслари таркибида ёшлар сони эса 5,5 фоизга ортган. Сирдарё вилоятида меҳнат ресурсларининг 78,4 фоизи иқтисодий фаол, қолган 21,6 фоизи иқтисодий нофаол аҳоли ҳисобланади. Вилоят иқтисодий фаол аҳолиси таркибида ёшлар сони 10,8 фоизга ортган, аммо иш билан бандлар таркибида улар сонининг ошиш суръати бирмунча паст бўлган.

Сирдарё вилоятида ишсиз деб эътироф этилган ёшларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш алоҳида эътибор қаратилган. Аммо вилоят Бандлик бош бошқармаси маълумотларини таҳлил қилиш касбга тайёрлашга юборилган ёшлар сони камайганлигини кўрсатди (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Сирдарё вилоятида ишсиз деб эътироф этилган ёшларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳолати динамикаси<sup>12</sup>

Кўрсаткичлар	2011 й.	2016 й	2017 й	2018 й	2018 йилда 2011 йилга нисбатан, %
Касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш дастури	206	189	172	159	77,2
Йил бошидан касбга тайёрлашга юборилган ёшлар сони	183	157	136	120	65,6
Йиллик дастурга нисбатан %да	88,8	83,1	79,1	75,4	-
Ўқишни тугатган ёшлар сони	154	120	98	76	49,4
Ишга жойлашган ёшлар сони	127	94	75	55	43,3
Ўқишни тугатганлардан ишга жойлашганлар улуши, %	82,4	78,3	76,5	71,9	-

2-жадвалга кўра, 2011-2018 йиллар давомида вилоят бўйича касбга тайёрлашга юборилган ишсиз ёшлар сони 34,4 фоизга, бу бўйича йиллик дастур параметрлари эса 22,8 фоизга қисқарган. Йиллик дастурга мувофиқ касбга тайёрлашга юборилган ишсиз ёшлар улуши 2011 йилдаги 88,8 фоиздан 2018 йилда 75,4 фоизга камайган.

Касбга тайёрлашга юборилган ишсиз ёшлардан 2011 йилда 84,1 фоизи, 2018 йилда эса 63,3 фоизи ўқишни тугатган. Таҳлиллар ўқишни тугатганларнинг ҳаммаси ҳам ишга жойлашмаганлигини кўрсатади. Жумладан, 2011 йилда ўқишни тугатган ишсиз ёшларнинг 82,4 фоизи ишга жойлашган бўлса, 2018 йилга келиб, бу кўрсаткич 71,9 фоизга тенг бўлган.


<sup>12</sup> Жадвал Сирдарё вилояти Бандлик бош бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Сирдарё вилоятида ёшлар меҳнат бозорини таҳлил қилган ҳолда ишсизликка қарши курашнинг бир қатор усуллари ажратилди:

1. Ишчи кучига талаб юқори бўлган тармоқлар ва касблар рейтингини тузиш, бу барча мутахассисликларда таҳсил олувчилар даражасига ижобий таъсир кўрсатади. Бу билан битирувчилар ўртасидаги рақобатнинг пасайиши туфайли ишсиз юрган битирувчилар сони камаяди. Шунингдек, ишчи кучи ортиқча бўлган мутахассисликларда таҳсил олувчилар сонини ҳам чеклаш мумкин.

2. Олий таълим муассасалари талабаларининг амалиётдан ўтиш дастурини қайта ишлаб чиқиш. Иш берувчиларнинг кўпчилиги ишга олишда ишлаб чиқариш тажрибаси ҳақида сўз юритади, олий таълим муассасаларидаги амалиёт эса фақат назарий жиҳатдан ўтказилади. Масалан, амалиётдан ўтиш қурилишга юборилган қурилиш мутахассислиги талабаси амалиётни ёрдамчи ишчи сифатида эмас, балки анча кенгайтирилган мазмундаги амалиётдан ўтиши, шу тариқа иш тажрибасига эга бўлиши лозим (масалан, 3-4-босқич талабаларига қурилишларда участка бошлиқлари (усталар) сифатида ишлаш имкониятини тақдим этиш).

Сирдарё вилоятида 15 та касб-ҳунар таълими муассасаси ва Гулистон давлат университети битирувчиларининг қайси касб ва меҳнатни афзал кўришлари борасида социологик тадқиқот ўтказилди. Тадқиқот маълумотлари меҳнат бозорига чиқувчи ёшлар учун уларнинг иш берувчилар кўз ўнгида рақобатбардошлигини оширувчи хизматларнинг қандай аҳамиятга эга эканлигидан далолат бериб турибди. Хусусан, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларининг 70 фоизидан ортиғи, олий таълим муассасаси битирувчиларининг 20 фоизи ўз назарий тайёргарлик даражасини ўрта ва паст даражада, деб баҳолади (2-расм).




**2-расм. Назарий тайёргарлик даражасини баҳолаш, %<sup>13</sup>**

<sup>13</sup> Манба: расм муаллиф томонидан ўтказилган социологик тадқиқотлар асосида тузилган.

2-расмга кўра, олий таълим муассасаларида битирувчиларнинг назарий тайёргарлик даражаси юқори, касб-хунар коллежларида эса бунга “ўртача” деб жавоб берган респондентлар устунлик қилди.

Социологик тадқиқотда битирувчиларнинг амалий тайёргарлик даражасига ҳам баҳо берилди (3-расм).



**3-расм. Амалий тайёргарлик даражасини баҳолаш, %<sup>14</sup>**

3-расмга кўра, олий таълим муассасасида битирувчилар ўз амалий тайёргарлик даражаси “жуда юқори”, деб баҳоловчилар касб-хунар коллежларига нисбатан кўпчилиқни ташкил қилган. Ўз амалий тайёргарлик даражасини “юқори” ва “ўртача” деб ҳисобловчилар сони касб-хунар коллежларида устунлик қилган.

Бу тенденциялар вилоятдаги таълим муассасаларида, айниқса Гулистон давлат университетидида “олий таълим муассасаси – илм-фан – ишлаб чиқариш” инновацион ҳамкорлик алоқаларини кучайтиришни тақозо этади.

Сирдарё вилоятида ишсиз ёшлар рақобатбардошлигини ошириш жараёни мониторинги шундай хулосага келиш имконини бердики, ёш меҳнат ресурсларининг рақобатбардошлиги паст даражада, буни қуйидагиларда кузатиш мумкин:


- ишсизлар ўртасида ёш меҳнат ресурслари улуши юқорилиги;
- таълим муассасалари битирувчилари томонидан иш ўрни излашнинг анча узоқ давом этиши;
- вилоятдан ташқарига миграцион оқимда ёшлар улуши юқорилиги.

Диссертациянинг учинчи боби – **“Меҳнат бозорида ишсиз ёшлар рақобатбардошлигини ошириш йўналишлари”** деб номланиб, унда ишсиз ёшлар рақобатбардошлигини оширишнинг институционал асосларини такомиллаштириш, ишсиз ёшлар рақобатбардошлигини оширишда молия-

<sup>14</sup> Манба: расм муаллиф томонидан ўтказилган социологик тадқиқотлар асосида тузилган.

кредит тизимидан самарали фойдаланиш, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотда ҳар бир туман ва шаҳарда Ёшлар иш билан бандлигига кўмаклашиш марказларини ташкил этиш мақсадга мувофиқлиги асосланган (4-расм).



**4-расм. Ишсиз ёшлар рақобатбардошлигини оширишнинг ҳудудий тизими<sup>15</sup>**

Бу марказлар маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда ёшлар рақобатбардошлигини бошқариш тизимини муваффақиятли амалга ошириш,

<sup>15</sup> Манба: расм муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

